

SOCIAL ACTIVITY OF CHILDREN WITH DISABILITIES THROUGH ARTISTIC CREATION

Dildora Noralieva

Fergana is a teacher of a specialized vocational school for people with disabilities

Abstract: The article analyzes the effective use of art and artistic creativity in increasing the social activity of children with disabilities, as well as the pedagogical and psychological factors required of the teacher in this process.

Keywords: Child, student, education, special education, disability, disability, creativity, artistic creation, social activity.

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ БАДИИЙ ИЖОД ОРҚАЛИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛАШТИРИШ

Дилдора Норалиева

Фаргона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада имконияти чекланган болаларни ижтимоий фаоллигини оширишда санъат ва бадиий ижод намуналаридан самарали фойдаланиш ҳамда мазкур жараёнда ўқитувчидан талаб қилинадиган педагогик-психологик омиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бола, ўқувчи, таълим, махсус таълим, имконияти чекланганлик, имконияти чекланган ўқувчи, ижод, бадиий ижод, ижтимоий фаоллик.

Имконияти чекланган болаларни бадиий ижод билан шуғулланиш жараёни кенг маънода чекланганликка нисбатан фаол, изчил таъсир этиш тушунилади. Мазкур таъсир жараёнида имконияти чекланган болалар ўзини қуршаган муҳитини ўзгартиради, шу пайтгача кўрилмаган, билинмаган, ўрганилмаган, жозибали янгиликни яратади ёки кашф этади.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда имконияти чекланган болаларнинг билим олишларига, ижод қилишларига кенг имкониятлар, шароитлар яратиб берилган.

Бадиий ижодий жараён давомида имконияти чекланган болалар ҳам дунёни ўзгартиради, ҳам ўзини яратувчи, ижодкор, қошиф сифатида намоён этади. Боланинг бадиий ижоди бу унинг туб хусусияти, иммунитет хоссаси, қобилияти ва кўникмаларининг ривожланиш даражаси, ижтимоийлашганлик даражаси, ижодий бунёдкорлик фаоллигидир. Имконияти чекланган болалар бадиий ижод усули билан янгилик яратади, хилма хил муаммоларни қўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини, баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усуллар, методларни топади.

Бадиий ижодий фаоллик имконияти чекланганга муттасил ўзгарувчи, ривожланувчи, ички зиддиятларга бой объектнинг курашга чорловларига муносиб жавоб қайтаришга кўмаклашади. Бадиий ижод жараёнининг бу жиҳати бадиий билиш жараёнида, айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Бадиий ижод бу билишни ривожлантириш, ундан фойдаланиш, янги қонунлар ва қонуниятлар, янги бадиий принциплар ва назариялар, инсон фаолиятининг ҳар хил соҳаларидаги амалиётга фаол чиқишлар орқали бойитиш билан боғлиқ бунёдкорлик фаолиятidir. Бадиий ижоднинг асосий жиҳати ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларнинг, уларнинг ҳаракат ва ривожланиш қонунларининг

моҳиятини абстракт тушунчалар, схемалар, формулалар, тенгламалар ва ҳоказолар шаклида ифодалашдан иборат бўлган объектив воқеликни акс эттиришдир.

Бадиий ижод бу чекланганнинг тафаккури, ақли ва идрокни назорат қилувчи, тартибга солувчи, йўналтирувчи, шу билан бирга ижтимоий амалиётга мувофиқ равишда муттасил ўзгариб боровчи объектив оламнинг онгдаги фаол инъикосидир.

Бадиий ижод ижтимоий фаолият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда боланинг билими, истеъдоди, қобилияти, кўникмалари, эстетик ҳақиқатнинг тагига етишга бўлган интилишларида ўз аксини топади.

Бадиий ижод бадиий муаммони кўйишдан бошланади. Бадиий ижоднинг мақсади юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, олинган ечимлардан воқеликни амалий ижодий ўзлаштиришда, борлиқнинг моҳиятини янада теран билиш, тушуниш ва англаб етишда фойдаланишдир.

Бадиий ижод ижодкор боланинг илҳоми, гўзаллик фантазияси, умумий маданияти, шунингдек, бадиий ижодкор шахс сифатида эга бўлган маънавиятидаги ражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ижтимоий фаолиятда ижод – санъат воситаси орқали табиатда, жамиятда ва тафаккурда ўрганилаётган ҳодисаларнинг теран моҳиятини очиб беришга муттасил интилиш тушунилади. Шу маънода, мамлакатимиз махсус таълим тизимида мавжуд спорт, мусиқа, хореография, амалий ижод, бадиий, театр ва бадиий санъат каби спорт секциялари ҳамда тўғарақларда: спорт тўғараги – эпчилликни, иродани, ўзига бўлган ишончни, чидамлилиқни ошириб, қийинчиликларни енгишга ўргатиш; хореография: жисмоний-эстетик жиҳатдан ўзини-ўзи кашф этиш; бадиий санъат тўғараги: кичик моторика ва тасаввурни ривожлантириш, сабрни ошириш; мусиқа: тинглаш қобилиятини ривожлантириш, ритмни ҳис қилиш; театр: сўзларни чиройли талаффуз қилишни ва тўғри гапириш, ҳисларини ифодалаш, ўз танасини бошқариш; амалий ижод: ганчкорлик, кашта тикиш, мунчок териш каби ижтимоий-маданий фаолиятда киришувчанлик, мақсад йўлида ҳамжиҳатлик, иродалилиқ, ўзини намоён этишга интилувчанлик, ташаббускорлик, ўзидан қониқиш, келажакка ишонч мазмунидаги ижтимоий ҳислатлар таркиб топтиради.

Жондан азиз фарзандлармизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган ХХI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Демак биз имконияти чекланган болаларни ҳам соғлом болалар каби жамиятда ўз ўрнини топтиришда яна бир ижод соҳаларидан бири бўлган бадиий санъат соҳасидаги дизайнерлик касбий фаолият орқали уларни ижтимоий фаол ҳаётга мослаштиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда “дизайн” термини яқиндагина пайдо бўлган. “Дизайн” сўзи ясама тушунчаларга эга: дизайнер-рассом, дизайнер конструктор, дизайн-форма буюмнинг ташқи формаси тушунчаларини англатади.

Барча инсонлар ўзида гўзал буюмларга эҳтиёж сезадилар ва гўзалликка интиладилар. Шунинг учун ҳам буюмнинг қиммати икки асосий нарсадан: манфаат ва гўзалликдан иборатдир.

Ҳар бир буюмда техник ва эстетик асос мавжуд бўлиб, у ҳамиша ривожланиб боради, тарихан алмашилиб туради.

Ўзбекистонда Миллий дастурнинг таълим-самарадорлиги босқичида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида имконияти чекланган болаларни бадиий ижод орқали ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни барвақт бадиий тўғарақларга жалб этиш асносида онгига эстетик тушунчаларни сингдириш, уларга бўлажак дизайнер, конструктор сифатида қараш зарурати туғилмоқда. Зеро, имконияти чекланган болалар учун махсус таълим муассасаларида ташкил этилажак “Либос дизайнери” тўғарагининг асосий мақсад ва вазифаси болаларнинг маънавий бойлигини ошириб, инсон учун керакли бўлган либосларни моделлаштириш, кийим танлашнинг асосий қоидалари билан таништириш, ранг уйғунлигини ҳис қилдириш, декоратив либосларга безаклар бериш каби бадиий ижодиёт орқали уларни ижтимоий фаоллаштиришдан иборатдир.

Либослар дизайнери тўгараги, тўгарак аъзоларига назарий ва амалий билим бериш билан бирга либоснинг тарихи, келиб чиқиши ва уларни яратилиши, ранглар (контраст) уйғунлигини таъминлашни ўргатади ҳамда либослар эскизларини яратишни, қоматга ранг, ёруғлик ва соялар билан ишлашни тушунтириш, либосларга гулли нақшлар бериш, либосларга конструктив ёндашиш кўникмаларини шакллантиради. Ана шундай оддий талаблардан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсон этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инчхонская декларация Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. Инчхон, Республика Корея, 21 мая 2015 год.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
3. Назарова Д. Махсус таълим атамаларининг изохли луғати.-Т., 2012.
4. Пўлатова П.М. “Махсус педагогика (олигофренопедагогика)” Ўқитувчи- 2005 й.
5. Файзиева У. “Имконияти чекланган болаларни оилаларда тарбиялаш”.-Т.,2009